

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.30.12.2019.F.01.05**  
**РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**БАРАТОВ РАШИД ЎСАРОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ  
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ**

**09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (маданият фалсафаси)**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2020**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Content of Dissertation Abstract  
of Doctor of Philosophy (PhD) on philosophical Sciences**

**Баратов Рашид Ўсарович**

Ўзбекистонда етук кадрлар тайёрлашнинг этномаданий хусусиятлари  
ва тамойиллари.....3

**Баратов Рашид Усарович**

Этнокультурные особенности и принципы подготовки квалифицированных  
кадров в Узбекистане .....19

**Baratov Rashid Usarovich**

Ethnocultural peculiarities and principles when training qualified personnel  
in Uzbekistan.....35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....39

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.30.12.2019.F.01.05.**  
**РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**БАРАТОВ РАШИД ЎСАРОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ  
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ**

**09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (маданият фалсафаси)**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Fa188 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент темир йўл муҳандислари институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fs-ik.uz](http://www.fs-ik.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Раматов Жуманиёз Султонович**  
фалсафа фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қорабоев Усмон Ҳосилович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Абдуллаева Насиба Бўроновна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор в.б.

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.30.12.2019.F.01.05. рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кuni соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университетининг Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz) ).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 246-46-55).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**И.Р. Хўжамуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

**У.А. Маҳкамов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа доктори (PhD)

**Г.Т.Махмудова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёнинг ривожланган мамлакатлари таълим тизими ислохотларида етук мутахассис кадрлар тайёрлашнинг самарали шакл ва воситаларни ишлаб чиқишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда ҳар бир халқнинг менталитети ва этномаданий хусусиятлари ҳисобга олинмоқда. Жаҳоннинг илмий тадқиқот марказларида малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига таъсир этувчи ижобий ва салбий омиллар аниқланмоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича қўмитасида (UNESCO) фан, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими фаолиятини такомиллаштириш мақсадида халқаро назорат экспертлар гуруҳи ташкил этилган.

Сўнги йилларда жаҳоннинг илғор олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида таълим тизими самарадорлиги ва сифатини ошириш ҳамда рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш муаммоларига бағишланган салмоқли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Касб трансформацияси кескин тус олган ҳозирги даврда ёшларни замонавий таълим йўналишларига доир билим, кўникма ва тажрибалар билан таъминлаш муаммоси ҳамда бўлажак кадрларда креатив тафаккур, конструктив фикрлаш фазилатларини шакллантиришга оид илмий ғоялар жаҳондаги етакчи олим ва амалиётчилар томонидан илгари сурилмоқда.

Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб юқори малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий таълим тизимини дунё таълим макони билан уйғунлигини таъминлаш, халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этган ҳолда олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармонлари ва қарорлари қабул қилинди. Мамлакатимизнинг дунёнинг ривожланган давлатлари орасида муносиб ўринга эга бўлиши бевосита рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон Қарори, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарори, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш коцепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонида белгиланган

вазифаларнинг амалга оширилишида мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда юқори малакали кадрлар тайёрлашга ўзбек халқининг этномаданий хусусиятлари, миллий кадрлар тизимининг таъсирига оид тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан замонавий кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган ва улар тизимли равишда амалга оширилмоқда.<sup>1</sup> Бу унинг мамлакатда малакали кадрлар тайёрлашда китоб ўқишнинг аҳамиятига йўналтирилган фаолиятида тўлиқ ўз исботини топмоқда. Мазкур диссертация ишининг мазмунида соҳага тегишли қонун ҳужжатлари, Президент фармонлари, қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз ифодасини топган.

Жамият ривожланишининг барқарорлиги аҳолининг умумий маърифатлилик даражасига боғлиқлиги ҳақидаги ғоялар Кайковус, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Низомулмулк, Алишер Навоий каби мутафаккирлар ижодида очиб берилган. Хусусан, Низомулмулк бошқарув кадрларини тайёрлаш, уларни вазифаларга белгилашдаги баъзи нуқсонларни очиб берган. Бу эса жамият тараққиётида кадрлар бошқарувининг ўрни ва аҳамияти юксак эканлиги эътирофидир. Навоийнинг “Маҳбубул-қулуб” (“Кўнгилларнинг севгани”) номли асарида бир умр илм тўплаб, уни ўз амалиётида жамият манфаатлари йўлида сарфламаган инсон молу дунё тўплаб, уни қандай сарфлашни билмаган инсонга қиёсланади.

XIX аср охирида Аҳмад Дониш, З.Фурқат, XX асрда А.Авлоний, А.Фитрат, М.Бехбудий каби жадиidlар ижодида етук кадрларни тайёрлашда маърифат, маданият, хорижий тилларни ўрганишнинг аҳамиятига катта эътибор қаратилган. Хусусан, XX аср бошида Абдулла Авлоний китоб ўқишнинг тафаккур янгиланишига таъсирини очиб берган бўлса, Абдурауф Фитрат авлоднинг маънавий-маърифий тарбиясига эътибор қаратади, Бехбудий эса халқни халқаро макондаги нуфузини оширишнинг бирдан-бир йўли илм ва фаннинг тараққиёти, деб ҳисоблайди. Уларнинг бундай қарашлари бугунги кунда етук кадрлар тайёрлаш жараёни билан боғлиқ ислохотларда ўз ифодасини топмоқда.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2016; Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2016; Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасидан. \ “Халқ сўзи”, 2017 йил 2 август; Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2020.

XX асрнинг охири XXI аср бошларида етук кадрлар тайёрлаш янада долзарб аҳамият касб этди. Шу боис турли соҳа мутахассислари, хусусан, файласуф олимлар И.Муминов, Ж.Туленов, С.Шермухамедов, М.Хайруллаев етук кадрлар салоҳияти, уларнинг фалсафий тафаккурида намоён бўлишини тадқиқ этганлар. Хусусан, Ж.Туленов тафаккур шакллари таснифлаган ҳамда жамиятнинг сиёсий тизими кадрларнинг дунёга муносабатини шаклланишига таъсирини очиб берган. Файласуф олимлар С.Отамуродов, Ж.С.Раматов етук кадрлар - мамлакатдаги таълим ва тарбия жараёнининг маҳсули, деб ҳисоблайдилар. Файласуф олимлардан У.Қорабоев этномаданиятнинг такомил босқичларини, Ш.О.Мадаева ўзбек менталитетида демократик тафаккур имкониятларини, О.Нишонова ўзбек этномаданиятининг эстетик моҳиятини таҳлил этганлар.

Тарихчи олимлар А.Асқаров, К.Шониёзов, И.Жабборов, Д.А.Ийманова кадрларнинг этномаданий хусусиятларини ҳудуд билан боғлайдилар. Хусусан, И.Жабборов етук кадрнинг нафақат билими, балки қиёфасида этномаданий хусусиятларни сақлаш зарурлигини асослаган, Д.А.Ийманова эса собиқ совет даврида маҳаллий кадрлар тайёрлаш муаммосига эътибор қаратган.

Социолог олимлар М. Бекмуродов, М. Ғаниева, А. Холбеков кадрлар тайёрлашда жамиятда шахслараро муносабатлар, менталитетнинг аҳамиятини очиб берган. Сиёсатшунос олимлар Ш.Пахруддинов, И.Эргашевлар жамият тараққиётида глобаллашув жараёнини барқарорликка таъсири ҳамда бунда миллий мафкураининг бош ислохотчилик роли, Ф.Равшанов Ўзбекистонда раҳбар кадрларни танлашга<sup>2</sup> оид тадқиқотлар олиб борганлар.

Хориж олимларидан О.Бауер, Г.Гачев, Р.Шпринглер, С.Хангингтонлар миллат ва унинг ўзига хос характерини илмий таҳлил этган бўлса, М.И.Абдулаева, М.О.Шаваева, О.О.Черныхлар малакали кадрларнинг илмий салоҳиятини оширишда таълимнинг ўрни ва аҳамиятига оид тадқиқотлар олиб борганлар.

Ўрганилган адабиётлар шуни кўрсатадики, етук кадрларни тайёрлашда барча жиҳатларнинг уйғунлигини таъминлашда этномаданий хусусиятларга эътибор қаратилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент темир йўл муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистон темир йўл транспорт тизимида баркамол шахс ва малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш стратегияси” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида етук кадрлар тайёрлашда этномаданий хусусиятларнинг аҳамиятига инновацион ёндашувнинг моҳиятини илмий асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек халқи этномаданиятининг етук кадрлар тайёрлаш жараёнига миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги нуқтаи назаридан таъсирини асослаш;

---

<sup>2</sup> Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

таълим, фан ва жамият интеграциясига инновацион ёндашиш, етук кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш омили сифатида хорижий тажрибага таянишнинг аҳамиятини тадқиқ этиш;

етук кадрлар тайёрлашда этномаданиятнинг прагматик ва рационал хусусиятларини шакллантириш имкониятларини асослаш;

замонавий кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашда жамоавийлик, ташаббускорлик, ижтимоий адолат каби тамойилларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги аҳамиятини таҳлил этиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистонда юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** малакали мутахассислар тайёрлашда этномаданий хусусиятларнинг таъсири ва унинг аҳамиятидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари** Диссертацияда тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, кузатув, таққослаш, қиёсий таҳлил ва умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

миллий, этномаданий ва умуминсоний қадриятлар миллий таълим стратегиясининг зарурий компонентлари эканлиги илмий асосланган;

замонавий мутахассис кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг тизимли ҳамда мақсадли тамойиллари ишлаб чиқилган;

кадрларда ижтимоий дахлдорлик ҳамда интеллектуал компетентликни шакллантиришда этномаданиятнинг прагматик ва рационал хусусиятларига эътибор бериш муҳимлиги асосланган;

ижтимоий тараққиётда этномаданий тамойиллар (жамоавийлик, ташаббускорлик, ижтимоий адолат) кадрлар салоҳиятини янада юксалтириш омили эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“этномаданият”, “менталитет” ва миллат тушунчаларининг ўзига хос жиҳатлари файласуф, тарихчи олимларнинг қарашларини қиёсий таҳлил қилиш асосида очиб берилган;

мамлакатда етук кадрлар тайёрлаш стратегиясини ишлаб чиқишда унинг манбаларини аниқлаш, хориж тажрибасига таяниш, мавжуд миллий кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, яратилаётган улкан имкониятлардан самарали фойдаланиш юзасидан таълим ислохотларига нисбатан дахлдорлик ҳиссини уйғотувчи ҳуқуқий-сиёсий нормаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш ҳамда кадрларда этномаданий ва касбий тафаккурни шакллантириш бўйича тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари, тўпламлар, ОАК журналларида чоп этилган мақолалар, диссертация хулосаларининг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот



натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда модернизация шароитида “этномаданият”, “этномаданий хусусиятлар”, “этномаданий тафаккур” тушунчаларининг ўзига хос жиҳатлари комплекс таҳлил қилинганлиги билан характерланади. Мамлакат истиқболини белгилашда етук кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш жараёнида эътибор қаратилиши муҳим бўлган миллий кадриятларга содиқлик, ўтмиш аждодларнинг маънавий меросига ҳурматни тарғиб этишда, мавзуга оид илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, етук мутахассис кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнида ижтимоий-гуманитар фан дастурларини тузишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда ўз аксини топган назарий хулосалар ва амалий тавсиялардан узлуксиз таълим тизими, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятида, шунингдек, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти корхона ва ташкилотларида “Етук мутахассис кадр – давр талаби” мавзудидаги маънавий-маърифий тадбирларда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кадрлар тайёрлаш жараёнида этномаданий хусусиятлар ва тамойиллар билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш асосида:

миллий, этномаданий ва умуминсоний кадриятлар миллий таълим стратегиясининг зарурий компоненти эканлигига оид илмий хулосалардан 2018-2020 йилларга мўлжалланган ПЗ-20170930369 шифрли “Глобаллашув шароитида тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи ғоявий, мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши курашишнинг замонавий механизм ва технологияларни яратиш” мавзудидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган. (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 26 июндаги 08/09-840-сон маълумотномаси). Натижада, мутахассис кадрларда глобаллашув жараёнида инсон онгига салбий таъсир этувчи турли маънавий таҳдидларга қарши ғоявий иммунитет шаклланишига хизмат қилган;

замонавий мутахассис кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг тизимли ҳамда мақсадли тамойилларига оид таклиф ва тавсиялардан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” нинг “Темир йўл транспортини янада ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари” деб номланган III бўлимининг “Кадрлар сиёсатини фаоллаштириш” бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг НОК-2893/19-сон маълумотномаси). Натижада, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфидаги таълим муассасаларида етишиб чиқаётган мутахассисларда касбий компетентлик, интеллектуал дунёқараш ва миллий туйғунинг шаклланишига хизмат қилган;

кадрларда ижтимоий дахлдорлик ҳамда интеллектуал компетентликни шакллантиришда этномаданиятнинг прагматик ва рационал хусусиятларига эътибор бериш муҳимлиги ҳақидаги хулосалардан “Фан тўғрисида” ги қонун лойиҳасини Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ташаббуси билан ишлаб чиқилишида фойдаланилган. (Ўзбекистон “Адолат” социал-

демократик партияси Марказий Кенгашининг 2019 йил 25 октябрдаги 01-1/1/394-сон маълумотномаси). Натижада, жамиятни модернизация қилишда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси замон талаблари даражасига кўтарилишига хизмат қилган;

ижтимоий тараққиётда этномаданий тамойиллар (жамоавийлик, ташаббускорлик, ижтимоий адолат) кадрлар салоҳиятини янада юксалтириш омили эканлигига оид тавсиялардан Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 2019 йил учун белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан тасдиқланган йўл харитасининг 3,5-бандларини амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг 2019 йил 11 июндаги 04-13/2707-сон маълумотномаси). Натижада иқтидорли ёшларда ташаббускорлик, дахлдорлик, илмий тадқиқотлар қилишга интилишни янада юксалтиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий мазмун-моҳияти 3та халқаро ва 10та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 137 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши асосланган.

Диссертациянинг **“Ўзбек халқи этномаданиятида кадрлар тайёрлашнинг назарий-методологик масалалари”** деб номланган биринчи бобда етук кадрлар тайёрлашда миллий руҳ ва этномаданиятнинг мутаносиблиги, ўзбек халқи этномаданияти эволюциясининг етук кадрлар тайёрлаш жараёнидаги ифодаси, миллий-маданий қадриятларнинг кадрлар тайёрлаш тизимидаги ўрни ва аҳамияти таҳлил этилган.

Диссертацияда кадрлар тайёрлашга этномаданий хусусиятларнинг салбий ва ижобий таъсирини таҳлил этиш учун “миллат” тушунчасига таъриф бериш лозим. Хусусан, ўзбек тили изоҳли луғатида: “Миллат – кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит худудда истиқомат қилиши, муштарак иқтисодий ҳаёт

кечириши, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган барқарор бирликдир”<sup>3</sup>, – деб берилган таъриф, муаллиф фикрича, бир ёқлама бўлиб, унда миллат фақат ҳудуд, тил, иқтисодий ҳаётга боғланади ва шахслараро муносабатлар тизимида ўзликни англашга эътибор қаратилмайди. Ж.Туленовнинг: “Миллат – ижтимоий-этник бирликнинг жамият тараққиётининг юқори босқичларига хос бўлган шакли ҳисобланади. Ҳар бир миллатнинг қиёфаси, унинг катта ва кичиклигидан қатъи назар, энг аввало, ўзининг миллий онг ва психологиясида ифодланади. Муайян жамиятда истиқомат қилувчи ҳар бир миллатнинг маънавий қиёфаси ўша жамият моддий, ижтимоий-тарихий шароитларига қараб ўзгариб боради”<sup>4</sup>, – деган таърифида миллатнинг руҳи, унинг этномаданий хусусиятлари билан боғлиқлиги намоён бўлади. Австриялик олим Отто Бауернинг фикрича, “Характер ва тақдирнинг умумийлиги – бу миллатнинг асосий белгиларида ...”<sup>5</sup> намоён бўлади. Р. Шпринглер фикрича, “Миллат – бу бир хил фикрловчи ва бир хил сўзлашувчи шахсларнинг маданий бирлигидир”<sup>6</sup>. Тадқиқотчи фикрича, ўзбек муаллифлари ижодида миллатнинг руҳига сиёсий тузум, ижтимоий-маданий ҳаётнинг таъсири устувор бўлса, ғарбда эса индивидуал тафаккур устуворлиги намоён бўлади. Миллатнинг руҳида мамлакатнинг ижтимоий маданий ҳаёти, мафкураси таъсирида шаклланган этномаданият намоён бўлади, етук кадрлар тайёрлашда этномаданий омиллар устуворлик қилади. Шу боис, диссертацияда тарихчи олимлар - К.Шониёзов, И.Жабборов, А.Асқаров, А. Аширов<sup>7</sup>, файласуфлар - Ж.Туленов, С.Отамуратовнинг миллат ва этномаданиятнинг етук кадрлар тайёрлаш жараёнидаги ўрнига оид ғоялари тадқиқ этилган. Муаллиф “Этномаданият ҳар бир халқнинг муайян тарихий жараёнда шаклланадиган маданияти, умуминсоний кадриятлар, маданий ва ахлоқий анъаналарнинг битмас-туганмас манбаидир”<sup>8</sup>, -деган таърифни инкор этмаган ҳолда: “Этномаданият муайян давлатнинг сиёсий тизими, миллий менталитети, халқнинг моддий ва маънавий бойликларининг мажмуи, тафаккур услуги ўзгаришларини намоён этади”, деб таъриф беради. Зеро, этномаданиятнинг мазмуни даврнинг руҳи таъсирида узлуксиз ўзгаради ва янги авлод характерида намоён бўлади.

Диссертацияда этномаданиятнинг халқ донишмандлиги, эътиқоди, урф-одатлари, оғзаки ижоди ва турмуш маданиятининг таркибий қисми сифатидаги такомил босқичлари тадқиқ этилган. Хусусан, Абу Наср Форобий фикрича, этномаданиятнинг асосий хусусияти таълим ва тарбиядир. “Таълим сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса амалий иш ва тажриба билан ўрганишдир, яъни шу халқ, шу миллатнинг амалий малакаларидан иборат бўлган иш-ҳаракатга, касб-ҳунарга берилган бўлишидир. Агар улар иш, касб-

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. -Тошкент: 2006, 2-жилд, -Б. 593.

<sup>4</sup> Туленов Ж. Истиқлол ва миллатлараро муносабатлар тараққиёти. –Тошкент: 2005, -Б. 7.

<sup>5</sup> Бауер О. Национальный вопрос и социал-демократия. –СПб. 1909, -С. 117.

<sup>6</sup> Шпринглер Р. Национальная проблема (борьба национальностей в Австрии). –СПб. 1909, -С. 285.

<sup>7</sup> Диссертант томонидан таҳлил этилган манбалар диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”га киритилган.

<sup>8</sup> Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. -Тошкент: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти. 2010, -Б. 669.

хунарга берилган бўлсалар, касб-хунарга қизиқсалар, шу қизиқиш уларни бутунлай касб-хунарга жалб этса, демак, улар касб-хунарнинг чинакам ошиғи бўладилар”<sup>9</sup>. Демак касб-хунарга ўргатиш ва соғлом тафаккур янги авлод тарбиясининг бош омили сифатида этномаданиятда намоён бўлади.

Диссертацияда Юсуф Хос Ҳожибнинг “Инсон фарзандининг кадри билим ва тафаккурда”, деган ғоясининг аҳамияти бугунги кунда Ўзбекистонда етук кадрлар тайёрлаш жараёнида таълим тизимининг барча босқичидаги ислохотлар жараёнида намоён бўлганлиги асосланган.

Диссертацияда Амир Темур тузукларининг Афлотуннинг “Қаердаки қонунлар ҳокимлар устидан ҳукмрон бўлса, ҳокимлар эса қонунга қул бўлса, ўша давлатга худолар неъматлар ёғдиради”<sup>10</sup>, - деган фикрига тўла мос келиши асосланган. Ва бу ғояларнинг бугунги кунда Ўзбекистонда “Халқ давлатга эмас, давлат халққа хизмат қилиши лозим” эзгу ғоясида ўз тасдиғини топганлиги очиб берилган.

Тадқиқотчи томонидан XX асрнинг бошларида жаҳидчилик ҳаракати намояндалари: Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Исҳоқхон Иброт<sup>11</sup>нинг “миллий ва маҳаллий етук кадрлар муаммоси – шундай шонли тарихга эга ўлкани ҳар тарафдан хароб қилди”, – деган қарашларининг мамлакат истиқлоли ва истиқболи айнан етук кадрлар фаолияти билан боғлиқлиги очиб берилган. Хусусан, Абдулла Авлонийнинг “Кутубхоналар, қироатхоналар очилса, халқимиз орасида замонага лойиқ улум ва фунундан бохабар уламоларимиз кўпайса, ҳақиқий маданият бўстониға юзлангон ҳамда маданият тўлқунларидан кутулуб, соҳили саломатға чиқгон бўлур эдик”,<sup>12</sup> – деган ғояси XXI аср бошида Ўзбекистон Президентининг бешта ташаббуси ижросини таъминлаш жараёнида тўлиқ ўз ифодасини топмоқда.

Муаллиф етук кадрларни тайёрлаш учун таълим тизимида аксиологик ёндашувнинг зарурлигини асослайди. Зеро, бугунги кунда миллий-маданий қадриятларни ёш авлод онгига чуқур сингдириш ва шу орқали ёшларимизда келажакка ишонч туйғуларини қарор топтириш муҳим масаладир. Юртимиз тупроғи эса ўлмас қадриятлар бешиги саналади. Диссертант фикрича, қадриятлар “оммавий” трансформацияга учрамаслиги учун этномаданият нуқтаи назаридан ёндашув зарур. Инсон ҳаёти қадриятларнинг алмашинувида намоён бўлади. Барча учун муҳим қадрият – билим. Билим ва хунар бахт-саодатга эришишнинг муҳим шarti. Лекин билимли инсон, маънавиятли инсон дегани эмас, фақат уларнинг уйғунлиги бахт-саодатга эришиш омилидир. Буни тадқиқотчи америкалик сиёсатшунос олим Патрик Бьюкененнинг “Ғарб ҳалокат сари бормоқда... Ҳозирги танглик ғарб цивилизациясига таҳдид солмоқда”,<sup>13</sup> -деган фикрлари орқали асослайди.

<sup>9</sup> Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: “Янги аср авлоди”, -2016, -Б. 284.

<sup>10</sup> Афлотун. Қонунлар. Урфон Отажон таржимаси. -Тошкент: 2002, -Б. 5.

<sup>11</sup> Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. 1-жилд. –Тошкент: “Akademnashr”, 2018, Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. -Тошкент: “Ўқитувчи”, 1992, Фитрат А. Танланган асарлар. 4-жилд. -Тошкент: “Маънавият”, 2006.

<sup>12</sup> Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилд. -Тошкент: 2006, 220-б.

<sup>13</sup> Бьюкенен П. Дж. Смерть Запада. — Москва: ООО «Издательство АСТ», 2003.- С. 8.

Диссертант фикрича, Ўзбекистонда етук кадрлар тайёрлаш миллатнинг руҳи, этномаданий омиллар билан бир қаторда, даврнинг ижтимоий сиёсати, бошқарув усули билан боғлиқлиги ва энг аввало, шахснинг орзу-умидларига эришишга йўналган мақсадли фаолияти билан характерланади. Билим, тажриба, фан ҳамда дахлдорликни олий қадрият деб билган етук мутахассисларгина мамлакат тараққиётини ҳар тарафлама юқори даражага олиб чиқиши мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ўзбекистонда етук кадрлар тайёрлаш тизимининг этномаданий омиллари**” деб номланиб, унда миллий таълим стратегиясини кадрлар тайёрлаш тизимидаги бош ислохотчилик роли, кадрлар тайёрлаш жараёнида илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқадорлиги асосланган.

Муаллиф 2017 йил январь-июнь ойларида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича қўмитаси (UNESCO) ва Консалтинг ташкилоти (DGP Research&Consulting) дунё бўйича таълимни назорат қилиш ташкилотларининг Ўзбекистондаги таълим тизимини комплекс ўрганиши натижаларини таҳлил қилган. Унга кўра, мамлакатимиздаги таълим тизимида назария ва амалиёт уйғунлиги тўғри тақсимланмаган. Шу боис, 2017 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарори қабул қилинди. Тадқиқотчи фикрича, Ўзбекистонда етук кадрлар тайёрлаш тизимининг этномаданий омиллари билан боғлиқлиги куйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, “миллий этномаданий тизим”нинг ривожланиш жараёни етук кадрлар тайёрлашга йўналтирилган онгли, мақсадга мувофиқ интилишлари билан алоҳида ажралиб туради. Иккинчидан, жамиятнинг этномаданий ўзгаришлар тизими етук кадрлар тайёрлаш жараёни билан узвий боғлиқ. Айниқса, бозор иқтисодиёти, монетар ва фискал сиёсат, менежмент ҳамда маркетинг, молия-банк тизими, ҳуқуқий соҳаларда чуқур билим, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгиланиш дастурларини амалга оширишда етук кадрлар фаолиятдан самарали фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти: “...Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юқсак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт.”<sup>14</sup> - деган ғоя барчамизга ўзига хос масъулият юклайди.

Муаллиф фикрича, миллий тараққиётнинг асосий омилларидан бири - бу ижтимоий ҳамкорликдир. Ижтимоий ҳамкорлик миллий характер билан боғлиқ. Учинчи минг йиллик бошида кадрларнинг ўз фаолиятига нисбатан бепарволик, лоқайдлик каби иллатлар миллий характернинг ифодасидир. Шу нуқтаи назардан Амир Темурнинг: “Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард, шижоатли бир киши мингта тадбирсиз лоқайд кишидан

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018 йил, 28 декабрь.//Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабрь сони.

яхшироқдир”<sup>15</sup> деган фикри бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, ривожланган демократик давлатлар каторидан муносиб ўрин олишдек юксак мақсад ҳар томонлама етук мутахассис кадрларни тайёрлашни талаб этади. Бўлажак мутахассис тайёрлаш кўп қиррали вазифа бўлиб, уларда ташаббускорликни, меҳнатга ижодий ёндашувни шакллантириш долзарб аҳамиятга эга. Инсониятнинг тараққиётида билим, ташаббус ва меҳнат уйғунлигини таъминлаш ва кадрларни кадрлаш муҳим. Фаворитизм, лоббизм кабиларда намоён бўлувчи кадрлар коррупцияси мамлакатнинг барқарор тараққиётига салбий таъсир этади.

Бунга таълим тизимидаги инновациялар орқали эришилади. Аксарият олимлар, инновация – инсон интеллектуал фаолиятининг натижаси бўлиб, сифат жиҳатдан жараёнлар самарадорлигини ошириш мақсадида киритилаётган янгилик, деган фикрни илгари сурган. Жалолиддин Румий: “Нарса йўқким, хорижий олам эрур, Ҳар не истарсан – ўзингда жам эрур”<sup>16</sup>, деган фикрида инновация ташқаридан олиб киритилган нарса эмас, аксинча, ўз юртингда эканлиги, бироқ уни намоён этиш, аниқлаш халқнинг меҳнати ва бу меҳнатни кадрланиши билан белгиланиши асосланган. Дарҳақиқат Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек: “...ҳозирги вақтда илм-фан юксак технологиялар, улкан маблағларни жалб этиш ҳисобидан ривожланади. Илм-фан ва маданиятни буюк сармоялар киритмасдан, ҳар томонлама қўллаб-қувватламасдан равнақ топтириб бўлмайди. Бу соҳадаги доимий юксак эътибор, катта маблағ ва сармоялар ҳеч шубҳасиз, катта-катта ғоялар ва кашфиётларга сабаб бўлади”<sup>17</sup>. Муаллиф етук кадрлар тайёрлаш жараёнида таълим тизими ҳал қилувчи роль ўйнамайди, деган ғояни илгари суради. Зеро, таълимнинг сифати тарбия билан мутаносиб бўлса ва инсон ўз-ўзини англасагина самарали бўлади.

Шундай экан, бугунги кунда буюк давлатга муносиб баркамол авлодни тарбиялаш бўйича фаол ишлар олиб борилиши лозим.

Диссертацияда Ўзбекистонда етук кадрлар тайёрлашда илмий салоҳият алоҳида аҳамият касб этиши асосланган. Ўзбекистонда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил этилган, самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Хусусан, илмий лойиҳалар эълон қилишнинг тартибини янгилаш, бу жараёнда адолат мезонига риоя қилиш учун хориж тажрибасини ўрганиш, экспертиза жараёнига хориж мутахассисларини жалб қилиш лозимлиги асосланган. Шундагина кадрлар меҳнати кадрланиши, уларнинг ташаббусларига лоқайдлик бартараф қилиниши мумкин.

Муаллиф фикрича, ёш кадрларнинг муайян қисмини бошқарув кадрлари сифатида вояга етказиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ҳозирда таълим тизимида “бошқарув илми” ҳисобланган менежмент кенг ўқитилмоқда. Бироқ

<sup>15</sup> Темур тузуклари. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2015, -Б. 14.

<sup>16</sup> Жалолиддин Румий. Ҳикматлар. Жамол Камол таржимаси. –Тошкент: 2017, -Б. 189.

<sup>17</sup> Каримов И.А. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутк//Халқ сўзи, 2014 йил 16 май сони.

бу фанни ўқитишда назария устуворлик қилмоқда. Назария ва амалиёт уйғунлигини тامينлаш учун “Бошқарув маданияти” махсус курсини ўқув жараёнига киритиш фаолиятни мақсадли ташкил этиш омили бўлиши билан бир қаторда, юксак маънавият тарбиясига ҳам таъсир этиши мумкин.

Муаллиф япон мўжизаси, корейс табиати каби иқтисодий ўсиш намуналарини ўрганар экан, аввало, уларда миллат тафаккурини тубдан тараққий этишига таъсир этувчи омилларни тадқиқ этади ва бунда иқтисодий асос устувор бўлиши билан бир қаторда, этномаданий омилларнинг аҳамиятига эътибор кучлилиги, давлат бошқаруви миллий кадрларни тайёрлашда хориж тажрибасига таяниш билан бир қаторда, ўз моделини яратганини асослайди. Шу боис, Ўзбекистонда етук кадрларни тайёрлашда хориж тажрибасига таяниш, бироқ “шу Ватан, шу Юрт равнақи учун барчамиз масъул” деган ғоя асосида, бу жараёндаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун олим ва амалиётчиларнинг биргаликдаги фаолиятини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Диссертациянинг «**Замонавий кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий жиҳатлари**» деб номланган учинчи бобида глобаллашув шароитида етук мутахассис кадрлар тайёрлашда этномаданий хусусият уйғунлиги ҳамда замонавий мутахассис кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг тизимли ва мақсадли тамойиллари тадқиқ этилган.

Муаллиф фикрича, глобаллашув жараёнида фан-техниканинг жадал суръатларда ривожланиши чуқур замонавий билимларга эга бўлган малакали мутахассисларни тайёрлашга инновацион ёндашувни талаб қилмоқда.

Глобаллашув жараёни олимлар томонидан тадқиқ этилмоқда<sup>18</sup>. Хусусан, америкалик олим ва сиёсатчи Чарльз Тиллининг фикрича, дунёда давлатлар сарҳади пайдо бўлиб, ўлкалар ўртасида мол айрбошлаш кенгайган даврдаёқ глобаллашув куртак ёзган<sup>19</sup>. Демак, бу жараён узоқ тарихга бўлиб, у, келажакда янада ривожланиши табиий. Ўз навбатида, глобаллашув ўзбек этномаданиятига ҳам таъсир этади, бунда миллий маданий омилларни сақлаш муҳим.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг стратегик мақсади ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, юртимизни ҳар томонлама ривожлантириш барчамизнинг шижоатли меҳнатимиз, ҳаракатимизга боғлиқ. Хусайн Воиз Кошифий фикрича ҳам “Аллоҳ шижоатли кишиларни яхши кўради (Инналлоҳа йуҳибб уш-шужжоъа)”<sup>20</sup>. Муаллиф фикрича, ғайратли, шижоатли кадрлар ҳар томонлама эътирофга сазовор бўлади.

Муаллиф, XXI аср нафақат информацион аср, балки интеллектуал рақобат асри ҳамдир деб таъкидлайди. Бугун нафақат глобаллашув, балки интеграция, инновацион жараёнлар ва ўзаро ҳамкорлик жараёнлари янада тезлашаётган, шу

<sup>18</sup> Чумаков А.Н. Метафизика глобализации. –Москва: “Проспект”, 2006, Глобализация: контуры целостного мира. –Москва: ООО “Проспект”, 2016,

<sup>19</sup> Tilli Ch. Coercion, Capital, and European states, AD 990-1992. Blackwell, 2015.

<sup>20</sup> Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний; Ахлоқий муҳсиний. Нашрга тайёрловчилар: Аминов Б., Ҳасанов Ф. –Тошкент, 2011, -Б. 244.

билан бирга, кескинлашаётган даврдир. Бу жараёнларга тез мослашувчанлик, вазиятни ўрганиш ва унга холисона баҳо бериш, таҳлил қила олиш қобилияти етук мутахассисдан юқори маҳоратни талаб қилади. Диссертацияда ривожланган мамлакатлар таълим тизимининг таҳлили, уларда ҳукумат томонидан аниқ мақсадга йўналтирилган фаолият ташкил этилганлиги асосланган.

Дунё халқлари тажрибасининг таҳлили, мамлакатнинг равнақи етук кадрлар тарбияси билан боғлиқлиги, улар давлат томонидан ҳимояланганлигини исботлади. Хитой, Жанубий Корея, Сингапур, Туркия давлатларининг ишбилармонлари жаҳоннинг етук илмий-таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда фаолият олиб борадилар. Бунда Е.Г.Беляеванинг: “Ходимлар малакасини мунтазам ошириб боришнинг энг мақбул усули сифатида сайёр кўринишдаги қисқа муддатли ўқув машғулотлари юқори самарадорлик беради”<sup>21</sup>, – деган фикри устувор аҳамият касб этади. Муаллиф бу ғояни асосли деб ҳисоблайди ва меҳнат самарадорлигига салбий таъсир этмайдиган сайёр ўқув семинарларини ташкил этишни таклиф қилади.

Етук кадрлар тайёрлаш узлуксиз жараён бўлиб, у билиш, баҳолаш, хулқ-атвор каби жиҳатларни қамраб олади. Билиш билим, ислохотлардан хабардорлик, онглилик каби сифатларни мужассамлаштирса, баҳолаш мулоҳазалар, кадриятлар, нормалардан ташкил топади. Хулқ-атвор эса фаоллик, ватанпарварлик, миллатпарварлик кабиларда намоён бўлади.

## ХУЛОСА

“Ўзбекистонда етук кадрлар тайёрлашнинг этномаданий хусусиятлари ва тамойиллари” мавзусида олиб борилган илмий тадқиқот иши натижасида куйидаги хулоса ва тавсиялар илгари сурилди:

1. Этномаданият анъанавий халқ маданиятига асосланади, кадрлар тайёрлашнинг этномаданий хусусиятлари ўзбек халқининг миллий кадриятлари инсонийлик, меҳнатсеварлик, эътиқод, камтарлик, ижтимоий фаоллик каби фазилатларга таянади.

2. Жамиятни тубдан ўзгартириш ҳуқуқий демократик давлат қуриш – давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимини шакллантиришни, янги кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этишни тақозо этади. Кадрлар сиёсати – барқарор бозор иқтисодиётини, очиқ ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш вазифалари билан чамбарчас боғлиқ. Кадрлар сиёсатида манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномалари асосида истиқболли режалар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

3. Япон мўжизаси, корейс табиати каби иқтисодий ўсиш намуналарини ўрганиш натижасида уларда миллий руҳни сақлашга эътибор берилганлиги, айна пайтда дунёвий билимларни ўзлаштириш мамлакат равнақининг асосий

---

<sup>21</sup> Беляева Е.Г. Непрерывное развитие сотрудников как условие развития компании.//Справочник по управлению персоналом. –Москва: 2004, -№5, -С.8.



эканлиги, бу халқнинг тафаккурида намоён бўлганлиги аниқланди. Ўзбекистонда етук кадрлар тайёрлаш стратегиясида хориж тажрибасига таяниш ва ўз миллий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг этномаданий ва касбий тафаккур захираларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

4. Ўзбекистон халқи онгига мулкдорлик, тадбиркорлик туйғусини сингдириш, этномаданий дунёқарашни такомиллаштириш, иқтисодий тафаккурни шакллантириш, ҳалқаро ҳамкорликни ташкил этиш Ўзбекистон барқарор тараққиётининг стратегик мақсадларидан биридир. Шу боис, бозор иқтисодиётига мос кадрлар сиёсатининг ҳуқуқий асослари қайта ишлаб чиқилди. Бу замон талабларига мос таълим тизимини кенг жорий этишда иқтисодиёт, ишлаб чиқариш секторларини кадрлар тайёрлаш муассасалари ҳамда илм даргоҳлари билан интеграциясини тўғри ташкил этиш халқаро андоза талабларига мувофиқлашишига олиб келади.

5. Глобаллашув жараёнларида шаклланган муайян камчиликларни бартараф этиш ва бу борадаги фаолиятни самарали ташкил қилиш мақсадида “Ўзбекистонда етук кадрларни тайёрлашнинг миллий ва маҳаллий имкониятлари ва омилларини янада ошириш” йўналишида “Ҳаракатлар дастури” ва “Йўл харитаси” ни ишлаб чиқиш эҳтиёжи мавжуд. Айни пайтда, бу борада илмий-амалий анжуманлар ўтказишни тизимли ташкил қилиш, оммавий ахборот воситаларида ушбу мавзуда мақола ва хабарларни мунтазам ёритиш, телекўрсатувлар ташкиллаштириш кадрлар этномаданий тафаккурининг янада ўсишига кўмаклашади.

6. Этномаданиятга ўз ўрнида тинчлик, бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, маънавият, маданият, маърифат, одоб-ахлоқ ҳамда адолат тамойиллари асос қилиб олинганда етук кадрлар тайёрлаш жараёнида юксак натижаларга эришилади. Зеро, миллий менталитетимиздан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жамиятни фақат қонунлар кучи билан эмас, балки маънавий, маданий тафаккур воситалари орқали ҳам бошқариш, тартибга солиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

7. Кадрларда бугунги кун бозор муносабатлари шароитида ташаббускорлик, бунёдкорлик, касбий ва ижтимоий ҳамкорлик, прагматик, экзистенциалистик, рационалистик хусусиятлар шаклланди. Бундай хусусиятлар мамлакат тараққиётига ижобий ҳисса қўшади. Шу билан бирга, глобаллашув ва ижтимоий-маданий интеграция таъсирида индивидуалистик хусусиятлар ҳам кадрлар онгида шаклланиб бормоқдаки, бу уларда худбинлик, сурбетлик каби иллатларнинг кенг ёйилишига туртки бўлмоқда.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНОЙ СТЕПЕНИ  
DSC.30.12.2019.F.01.05. ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
УЗБЕКИСТАНА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО  
ТРАНСПОРТА**

**БАРАТОВ РАШИД УСАРОВИЧ**

**ЭТНОКУЛЬТУРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ И ПРИНЦИПЫ ПОДГОТОВКИ  
КВАЛИФИЦИРОВАННЫХ КАДРОВ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**09.00.02 – Философия форм сознания, культуры и практики (философия культуры)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2018.2.PhD/Fa188 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен в веб-сайте Научного совета [www.sf-ik.uz](http://www.sf-ik.uz) и в Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Раматов Жуманиёз Султанович**  
доктор философских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Карабаев Усман Хасилович**  
доктор философских наук, профессор

**Абдуллаева Насиба Бурановна**  
доктор философских наук, и.о. профессор

**Ведущая организация:**

**Ташкентский государственный педагогический университет**

Защита диссертации состоится “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2020 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.30.12.2019.F.01.05. при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, дом-4. Здание факультета Социальные науки Национального университета Узбекистана, этаж-5, кабинет-511. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz) ).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован под №\_\_\_). (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, дом-4. Главное здание НУУз, этаж-2, кабинет-4. Тел.: (99871) 246-46-55).

Автореферат диссертации разослан “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2020 года. (№\_\_\_ протокола реестра рассылки “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2020 года)

**И.Р. Хужамуратов**

Председатель Научного совета по присуждению научной степени, доктор философских наук, профессор

**У.А. Махкамов**

Научный секретарь Научного совета по присуждению научной степени, доктор философии (PhD)

**Г.Т.Махмудова**

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению научной степени, доктор философских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В реформах системы образования развивающихся стран мира на разработку эффективных форм и средств подготовки квалифицированных кадров уделяется внимание на уровне государственной политики. В данном процессе учитываются менталитет и этнокультурные особенности народов. В научно-исследовательских центрах мира выявляются положительные и отрицательные факторы, влияющие на процесс подготовки квалифицированных специалистов. В частности, в Комитете по вопросам образования, науки и культуры (UNESCO) Организации Объединенных Наций в целях совершенствования науки, образования и системы подготовки кадров была создана группа экспертов международного контроля.

В последние годы в мировых ведущих вузах и научно-исследовательских учреждениях проводятся значительные исследования, посвященные проблемам повышения эффективности и качества системы образования и подготовки конкурентоспособных специалистов. Сегодня, когда остро чувствуется профессиональная трансформация, ведущими учеными и практиками мира выдвигаются научные идеи, касающиеся проблемы обеспечения молодежи знаниями, умениями, навыками и опытом по современным направлениям образования, а также формирования в будущих специалистах креативного мышления, качеств конструктивного мышления.

С первых дней независимости в Узбекистане подготовка высококвалифицированных кадров считается одним из приоритетных направлений государственной политики. В целях обеспечения гармоничности национальной системы образования и мирового образовательного пространства, поднятия содержания высшего образования на качественно новый уровень на основе международного опыта, использования зарубежных подходов обучения и научно-методических технологий был принят ряд Указов и Постановлений Президентом Республики Узбекистан. Займет ли наша страна достойное место среди развитых государств мира - непосредственно связано с системой подготовки конкурентоспособных кадров.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, указанных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, УП-5847 “Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года” от 8 октября 2019 года, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-2909 “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования” от 20 апреля 2017 года, ПП-3151 “О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием” от 27 июля 2017 года, ПП-3775 “О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах” от 5 июня 2018 года.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий республики I. “Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики”

**Степень изученности проблемы.** В Узбекистане были проведены исследования, касающиеся влияния системы этнокультурных особенностей, национальных ценностей узбекского народа на процесс подготовки высококвалифицированных кадров.

Президентом Республики Узбекистан Шавкатом Мирзиёевым были определены приоритетные направления подготовки современных кадров, которые систематично реализуются.<sup>1</sup> Об этом в полной мере свидетельствует его деятельность, направленная на обозначение важности чтения книг при подготовке квалифицированных кадров в стране. В содержании данной диссертации отражены законодательные акты, указы и постановления Президента и другие нормативно-правовые документы, касающиеся исследуемой сферы.

Идеи о зависимости стабильного развития общества с уровнем общей образованности населения были освещены в творчестве таких мыслителей, как Кайкавус, Абу Наср Фараби, Абу Райхан Беруни, Юсуф Хас Хажиб, Низамулмулк, Алишер Навои. В частности, Низамулмулк в своих работах раскрыл некоторые недостатки в подготовке руководящих кадров и их назначении. А это указывает на то, что управление кадрами занимает немаловажное место в развитии общества. В работе Навои “Махбубул-кулуб” (“Возлюбленный сердцец”) человека, который всю свою жизнь копил знания, и не использовал их на практике в интересах общества, сравнивают с человеком, накопившим богатства но не знающим, как их потратить.

В конце XIX века в творчестве таких ученых-мыслителей, как Ахмад Даниш, З.Фуркат, а также джадидов XX века А.Авланий, А.Фитрат, М.Бехбудий акцентировалось внимание на значении образования, культуры и изучения иностранных языков в подготовке квалифицированных кадров. В частности, если в начале XX века Абдулла Авланий раскрыл важность чтения книг и его влияние на обновление мышления человека, то Абдурауф Фитрат акцентирует внимание на духовно-просветительском воспитании молодого поколения, а Бехбудий считал, что единственным способом повышения престижа нации в международном пространстве является развитие науки и образования. Их взгляды в настоящее время отражены в реформах, связанных с процессом подготовки квалифицированных кадров.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент.: Ўзбекистон, 2016; Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга кураимиз. - Тошкент.: Ўзбекистон 2016; Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент.:Ўзбекистон. 2017; Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. - Тошкент.: Ўзбекистон 2017; Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасидан. \ “Халқ сўзи”, 2017 йил, 2 август; Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. - Тошкент.: Ўзбекистон, 2020.

